

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАМДАМОВ БАХТИЁР ЗАРИФОВИЧ**

**ОЁҚ КРИТИК ИШЕМИЯЛИ ДИАБЕТИК ТОВОН  
СИНДРОМИНИ ДАВОЛАШ ЯКУНЛАРИ ИСТИҚБОЛИНИ  
БЕЛГИЛАШНИНГ ИММУНОПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.36– Аллергология ва иммунология  
14.00.27 –Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Хамдамов Бахтиёр Зарифович**

Оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромини  
даволаш якунлари истиқболлини белгилашнинг  
иммунопатогенетик жихатлари..... 3

**Хамдамов Бахтиёр Зарифович**

Имунопатогенетические аспекты прогнозирования  
исходов лечения синдрома диабетической стопы с  
критической ишемией нижних конечностей..... 33

**Khamdamov Bakhtiyor Zarifovich**

Immunopathogenetic aspects of predicting outcomes  
treatment of diabetic foot syndrome with critical ischemia lower  
extremities..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 69

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАМДАМОВ БАХТИЁР ЗАРИФОВИЧ**

**ОЁҚ КРИТИК ИШЕМИЯЛИ ДИАБЕТИК ТОВОН  
СИНДРОМИНИ ДАВОЛАШ ЯКУНЛАРИ ИСТИҚБОЛИНИ  
БЕЛГИЛАШНИНГ ИММУНОПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.36– Аллергология ва иммунология  
14.00.27 –Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.DSc/Tib448 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Нуралиев Неккадам Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ахмедов Раҳмат Маҳмудович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Уразметова Маиса Дмитриевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ҳакимов Мурод Шавкатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Симбирцев Андрей Семёнович (Россия)**  
РФА мухбир аъзоси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Кубан давлат тиббиёт университети (Россия)**

Диссертация химояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qir.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.У.Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**З.С.Камалов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**У.П.Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда диабетик товон синдромини (ДТС) даволашда улкан натижаларга эришилиб, даволашга бўлган замонавий ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Аммо эришилган натижалар, имкониятларга қарамасдан, диабетик товон синдромида оёқлар ампутацияси сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, «...дунёда соатига 55 нафар қандли диабетга чалинган бемор оёғидан маҳрум бўлиб, иқтисодий ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 100 минг нафарга 13,7 билан 32,3 оралиғида бўлади, бу эса ўз навбатида ўлим кўрсаткичи, даволаш ва реабилитация харажатларининг юқори бўлишига олиб келмоқда»<sup>1</sup>. Тадқиқотлардан кўриниб турибдики, «...организмда яра жараёнининг кечиши кўплаб эндоген, экзоген омиллар таъсирида организмнинг хилма-хил биологик реакцияларининг динамик алмашинуви билан кечади, бу эса яранинг битишини ёки турли асоратлар ривожланишига олиб келмоқда»<sup>2</sup>. Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида аҳоли орасида қайд қилинган қандли диабетнинг асоратлари ҳисобланган диабетик товон синдромида жарроҳлик амалиётини бажариш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг иммунопатогенетик механизмларни ишлаб чиқиш соҳа ходимлари олдида ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромини даволаш яқунлари истикболлини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмийтадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу диабетик товон синдромида тизимли яллиғланиш реакцияли оёқ критик ишемиясининг беморлар иммун ҳолатига таъсирини илмий асослашдан иборат. Оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромини даволаш самарадорлигининг истикболлини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатларини, оёқ критик ишемияси юқори бўлган беморларда оёқдаги патологик ўзгаришлар, тизимли яллиғланиш реакцияси ҳамда организм иммунологик бузилишларининг ўзаро боғлиқлигини ва иммун ташҳислаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Лазерли фотодинамик терапия маҳаллий қўлланилганда яра инфекцияси, иммун ҳолатга бўлган таъсирини ҳамда яра жараёнининг кечиш фазасини ҳисобга олган ҳолда уни қўллашнинг оптимал схемасини ишлаб чиқишдан иборат. Оёқнинг критик ишемиясида иммунологик бузилишларни мўътадиллаштириш, оёқнинг яшовчанлигини таъминлашда перфторанни қўллаш самарадорлигини такомиллаштириш ҳамда тизимли яллиғланиш синдроми ва оёқ критик ишемияси бўлган беморларда диабетик товон синдромини даволашда перфторан ва лазерли фотодинамик терапияни комплекс қўллаш самарадорлигини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, ўрта ва катта ёшли аҳоли орасида

<sup>1</sup>Бенсман В.М. Хирургия гнойно-некротических осложнений диабетической стопы. Руководство для врачей. - Москва, 2015. – 495 с.

<sup>2</sup>Hiroki Ueno, Shinya Fukumoto, Hidenori Koyama et al. Regions of Arterial Stenosis and Clinical Factors Determining Transcutaneous Oxygen Tension in Patients with Peripheral Arterial Disease // J Atheroscler Thromb, - 2010. - Vol.17. - P.858-869.

цивилизация хасталиги ҳисобланган қандли диабетнинг асоратларини камайтириш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромини даволаш яқунлари истиқболини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатларини баҳолашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сонли «Шошилиш тиббий ёрдами такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромини даволаш яқунлари истиқболини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатларини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases, University of California (АҚШ); South Bohemian University, Institute of Microbiology Czech Academy of Sciences (Чехия), University Medical Center Utrecht, University of Groningen (Нидерландия), University of Korea (Корея), National Yang-Ming University (Таиланд), Universidade Estadual Paulista, Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); University of Nottingham (Буюк Британия), Medical University of Warsaw (Польша); Medizinische University Wien (Австрия); Institute of Medical Microbiology and Hospital Epidemiology (Германия); University of Tokyo

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

<sup>4</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.lstmed.ac.uk](http://www.lstmed.ac.uk), [www.otago.ac.nz](http://www.otago.ac.nz), [www.ufl.edu](http://www.ufl.edu), [www.snu.ac.kr](http://www.snu.ac.kr), [www.ibis-sevilla.es](http://www.ibis-sevilla.es), [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk), [www.umd.edu](http://www.umd.edu), [www.unimelb.edu.au](http://www.unimelb.edu.au), [www.uzh.ch](http://www.uzh.ch), [www.auf.edu.ph](http://www.auf.edu.ph), [www.lshtm.ac.uk](http://www.lshtm.ac.uk), [www.cam.ac.uk](http://www.cam.ac.uk), [www.duke.edu](http://www.duke.edu), [www.nibmg.ac.in](http://www.nibmg.ac.in), [www.nie.gov.in](http://www.nie.gov.in), [www.sanger.ac.uk](http://www.sanger.ac.uk), [www.cgu.edu.tw](http://www.cgu.edu.tw), [www.infectology.uz](http://www.infectology.uz) сайтлар асосида ишлаб чиқилган

(Япония); Instituto de Salud Carlos III (Испания); University of Perugia (Италия); Qingdao University (Хитой); National University of Ireland (Ирландия); Skane University, University of Lund (Швеция); Вишневский номидаги хирургияилмий тадқиқот институти; РФ Фанлар академияси Эндокринология маркази (Россия Федерацияси), академик Я.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази, Иммунология ва инсон геномикаси институти, Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Оёқ критик ишемияли диабетик тоvon синдромини даволаш яқунлари истиқболлини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатлари асослаш такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: организм иммун тизимининг оёқлар критик ишемияли диабетик тоvon синдромикечиши ва натижаларига таъсири асосланган (University of California, АҚШ); оёқ-қафт диабетик синдромидан оқибатида қатор ногиронликлар юзага келиши мамлакатлар иқтисодиётига катта зарар келтириши асосланган (South Bohemian University, Чехия); аэроб ва анаэробпатоген, шартли-патоген микроорганизмларнинг оёқлар критик ишемияли диабетик тоvon синдроми шаклланиши ва ривожланишига таъсири исботланган (Discipline of Microbiology, National University of Ireland, Ирландия); қандли диабетнинг 2-типида юрак-қон томир тизимида жарроҳлик амалиётини амалга ошириш зарурлиги исботланган (University Medical Center Utrecht, Нидерландия); қандли диабет касаллигида инсон таняч аппаратининг зарарланиш чуқурлиги ва комбинацияланганлигида оёқ-қафт соҳасини ампутация қилиш асосланган (Catholic University of Korea, Корея); ўз вақтида диспансеризация чора-тадбирлари беморларда диабетик тоvon синдромининг ривожланиш даражасини пасайишига олиб келиши исботланган (Universidade Federal de Minas Gerais, Бразилия); диабетик тоvon синдроми бўлган беморларни физик ва кимёвий даволашнинг клиник-микробиологик, иммунологик самарадорлиги исботланган (University of Perugia, Италия; Instituto de Salud Carlos III, Испания, Иммунология ва инсон геномикаси институти, Ўзбекистон); қандли диабет билан хасталанган беморларда ҳаёт сифатини яхшилаш учун оёқларда яра пайдо бўлиши ва ампутацияларнинг олдини олиш усуллари такомиллаштирилган (Вишневский номидаги хирургия ИТТМ, РФ; академик Я.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот эндокринология маркази, Ўзбекистон); оёқ критик ишемияли диабетик тоvon синдромини даволаш яқунлари истиқболлини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатлари ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Дунёда оёқ критик ишемияли диабетик тоvon синдромини даволаш яқунлари истиқболлини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатларини илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, оёқнинг критик ишемиясида иммунологик бузилишларни аниқлаш, оёқнинг яшовчанлигини таъминлашда перфтораннинг қўллаш самарадорлигини такомиллаштириш; тизимли ялғиланиш синдромини ва оёқ критик ишемияси бўлган беморларда диабетик

товон синдромини даволашда перфторан ва лазерли фотодинамик терапияни комплекс қўллаш самарадорлигини асослаш; беморларда комплекс даволашдан олдин ва кейин цитокинлар ҳолатини аниқлаш, оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромида жароҳатнинг кечиш жараёни натижалари истиқболлини белгилашнинг иммунопатогенетик асосланган даволаш механизмини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда қандли диабет билан 450 миллиондан зиёд киши азият чекади, улардан  $\frac{1}{4}$  қисмида диабетик товон синдроми (ДТС) ривожланиши кузатилади (Бенсман В.М., 2015; Дедов И.И., 2017; Корейба К.А., 2019). Асоратланган ДТСни даволашдаги муваффақиятларга қарамасдан, юқори ампутацияларнинг учраш даражаси юқори, ҳатто кўплаб ихтисослашган даволаш муассасаларида ҳам 30% га етиши кузатилмоқда (Бабаджанов Б.Д., 2019). Қандли диабет билан касалланганларнинг операциядан кейин вафот этиши кўп ҳолларда оёқ юқори ампутацияси билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат 6-35% ни ташкил этади (Амирасланов Ю.А., 2015; Митиш В.А., 2019).

Қанди диабет билан касалланганда организмда углевод, ёғ ва оксил алмашинувининг бузилиши кузатилади ва натижада метаболик, қон-томир, нейропатик, нейроишемик ҳамда остеоартропатик механизмларни ишга туширади, улар эса ДТС ривожланишига олиб келади. Гипергликемия қон-томир, асаб, иммун тизимларининг бузилишларига олиб келади (Киршина О.В., 2018; Megallaa Magdy H., 2019). Диабетда қон-томирлар шикастланиши микроангиопатия кўринишида бўлиб, бунда йирик ва ўрта калибрли артерияларда окклюзияли-қисилиш жараёни ривожланиши натижасида микроциркуляция ва макроангиопатия тизими бузилади. Оёқлар критик ишемияси белгилари артерия торайиши ёки окклюзияси даражаси ва коллатерал қон айланиши ривожланиши даражасига боғлиқ бўлади, бу эса қандли диабет бўлган беморларда йирингли-некротик жараён ривожланишида муҳим аҳамиятга эга (Мизин А.Г., 2017). Даволаш натижасида критик ишемия тўхтатилгач, эндотелиоцитлар пролиферацияси (неокапилярогенез) ҳисобига микроқонтомирлар тикланади, бу эса патологик жараённинг сақланиб қолишига олиб келади.

Кислород транспорти бузилиши эса ўткир йирингли яллиғланиш натижасида янада мураккаблашади, ушбу ҳолат диабетик ангиопатия фониди микроциркуляциянинг янада ёмонлашувига олиб келади (Покровский А.В., 2018; Hingorani A. et al. 2016). Декомпенсацияланган ишемияга олиб келувчи макроангиопатия оёқда нам гангрена ривожланиши билан янада мураккаблашади. У ҳар доим анаэроб ҳамда чириш инфекцияси қўшилиши билан ривожланади (Галстян Г.Р., 2015). Нозокомиал инфекциянинг антибиотикларга бардошлилиги, унинг патогенлиги ҳамда вирулентлиги қайд этилади (Блатун Л.А., 2017). ДТС бўлган беморларда иммун жавоб бузилиши кузатилиб, иккиламчи иммунодефицит ҳолати ривожланади (Земляной А.Б., 2003), иммунологик реактивлик пасаяди, Т-лимфоцитлар ва улар субпопуляциялари сони камаёди (Пиксин И.Н., 2015). Шундай ўзгаришлар



лимфоцитларнинг В-тизими ва махсус бўлмаган резистентлик омиллари тизимида ҳам учрайди (Хаитов Р.М. ва ҳаммуал., 2013).

Ўзбекистонда сўнгги йилларда бажарилган тадқиқот муаллифларининг фикрига кўра, йирингли яраларни даволашнинг асосий концепцияси-патогенетик ёндашув бўлиб ҳисобланади (Байбеков И.М., Байбеков А.И. 2011; Бубенчикова В.Н., 2013); фотодинамик терапия йирингли-яллиғланиш касалликлари (ЙЯК) бўлган беморларни даволашнинг энг истиқболли натижаларидан биридир (Дербенев В.А., Раджабов А.А., 2017); йирингли яраларни даволашда ФДТ микроорганизмларнинг антибиотикорезистент штамлари учун хавфлилиги (Муродов А.С., Садыков П.П., 2012); юмшоқ тўқималардаги йирингли яраларга ФДТ қўллаш истиқболли, улар юмшоқ тўқималардаги йирингли жараёнларни даволашда патогенетик ва иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги исботланган (Толстых П.И., 2014; Тешаев О.Р., 2016), қандли диабет билан хасталанган беморларда ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда оёқларда яра пайдо бўлиши ва ампутацияларнинг олдини олиш усуллари тақомиллаштирилган (Камалов Т.Т., 2018).

Бу келтирилган далилларпатогенетик асосланган даволаш усуллари ишлаб чиқиш долзарблигини белгилайди ва оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромини даволаш яқунлари истиқболлини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатларини очиқ беришни тақазо қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 02.2018.DSc.003 «Бухоро минтақасида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромини даволаш яқунлари истиқболлини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатларини аниқлашдан иборат

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

диабетик товон синдромида тизимли яллиғланиш реакцияли оёқ критик ишемиясининг беморлар иммун ҳолатига таъсирини баҳолаш;

оёқ критик ишемияси юқори бўлган оёқдаги патологик ўзгаришлар, тизимли яллиғланиш реакцияси ҳамда организм иммунологик бузилишларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

лазерли фотодинамик терапия маҳаллий қўлланилганда яра инфекцияси, иммун ҳолатга бўлган таъсирини ҳамда яра жараёнининг кечиш фазасини ҳисобга олган ҳолда уни қўллашнинг оптимал схемасини ишлаб чиқиш;

оёқ критик ишемиясида иммун бузилишларни мўътадиллаштириш ҳамда унинг яшовчанлигини таъминлашда перфторанни қўллаш самарадорлигини аниқлаш;

тизимли яллиғланиш синдроми ва оёқ критик ишемияси бўлган диабетик товон синдромли беморларни даволашда перфторан ва лазерли фотодинамик терапияни комплекс қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

беморларда комплекс даволашдан олдин ва кейин цитокин ҳолати ҳамда ушбу патология бўлган беморларда жароҳат жараёни кечиши ва натижаларини прогнозлашда уларнинг ўрнини баҳолаш;

диабетик товон синдромли беморларда жароҳатнинг кечиш жараёни натижалари истиқболлини белгилашнинг иммунопатогенетик асосланган шкаласини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2009-2019 йилларда Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази назоратидаги 39 дан 85 ёшгача бўлган 412 нафар тизимли яллиғланиш синдроми ва оёқ критик ишемияси бўлган диабетик товон синдромли беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида периферик қон ва зардоби иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун, яранинг йирингли ажралмалари бактериологик тадқиқотлар учун ва оқ зотсиз каламушлар экспериментал тадқиқотлар учун олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, иммунологик, бактериологик, экспериментал, гематологик, инструментал, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор диабетик товон синдромида оёқ критик ишемияли беморларнинг тизимли яллиғланиш жараёни кучайиши иммун тизим ҳолатидаги (CD3+-, CD4+-, CD8+-хужайралари кўрсаткичлари пасайиши ва CD16+-, CD20+-, CD23+-, CD25+-, CD38+-, CD95+хужайралари кўрсаткичлари ортиши) номутаносиб ўзгаришлар билан боғлиқлиги асосланган;

илк бор диабетик товон синдромида тизимли яллиғланиш реакцияли оёқ критик ишемияси бўлган беморларда касаллик кечиши ва асоратлари ривожланиши истиқболи цитокинлар (ИЛ-17А, ИЛ-10) миқдори кўрсаткичларининг меъёрдан кескин ортиши билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор оёқ панжадаги патологик ўзгаришлар, оёқ критик ишемияси ва тизимли яллиғланиш жараёнининг зўрайиши иммун тизим ҳолати кўрсаткичлари ўзгаришларга тўғри пропорционал боғлиқлиги асосланган;

илк бор анъанавий терапия фонида лазерли фотодинамик терапияни (ЛФДТ) маълум дақиқада қўллаш ярада (грамманфий бактериялар граммулбат кокклар, анаэроб, *Candida spp.*) микроорганизмлар унишини критик даражадан камайтириши, иммун тизим кўрсаткичларини ишонарли отиши ва яллиғланишнинг иккинчи босқичга ўтишига ижобий таъсир қилиши асосланган;

илк бор перфторан билан ЛФДТни комплекс қўллаш оёқ критик ишемияли диабетик товон синдроми бўлган беморларда тизимли яллиғланиш жараёнини камайтиришга ижобий, иммунокомпенет хужайралар ва цитокинлар миқдорига иммунмодулловчи таъсир қилиши исботланган;

илк бор тизимли яллиғланиш синдромли оёқ критик ишемияли диабетик товон синдроми бўлган беморларда жароҳат жараёнининг кечиш натижалари прогнозини белгилашнинг яра гиперемияси, инфильтрацияси, оғрик даражаси, ажралма характери, қўзғатувчилар униш даражаси, рН муҳити,

кислород билан тўйиниши ( $\text{ТсрO}_2$ ), ИЛ-17А ва ИЛ-10 миқдори ҳамда ТЯРС белгиларига боғлиқ патогенетик асосланган шкаласи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк бор соғлиқни сақлаш амалиёти учун жароҳат жараёнининг кечиш фазасини ҳисобга олган ҳолда клиник, иммунологик ва микробиологик жиҳатдан самарали оптимал лазерли фотодинамик терапия усулини қўллаш асосланган;

хирургик амалиётда оёқ критик ишемиясибор диабетик товон синдромли беморларда иммун тизим қўрсаткичлари ҳолатини коррекцияловчи ва оёқни сақлаб қолиш учун перфторан қўллашнинг такомиллашган усули ишлаб чиқилган;

илк бор амалий жарроҳлик учун тизимли яллиғланиш синдроми оёқ критик ишемияли диабетик товон синдроми бўлган беморларни анъанавий даволаш фонида перфторан билан лазерли фотодинамик терапияни бирга қўллаш усули ишлаб чиқилган;

илк бор тизимли яллиғланиш синдроми ва оёқ критик ишемияли диабетиктовон синдроми бўлган беморларда яра жараёнининг кечиш ва натижалари истиқболини белгилашнинг оптимал шкаласи таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, намуналар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, иммунологик, бактериологик, экспериментал, гематологик, инструментал, биокимёвий ва статистикусуллар асосида оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромини даволаш яқунлари истиқболини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатларининг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромини даволаш яқунлари истиқболини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатларини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган, оёқпанжадаги патологик ўзгаришлар, оёқ критик ишемияси ва тизимли яллиғланиш жараёнининг зўрайиши иммун тизим ҳолати қўрсаткичлари ўзгаришларга тўғри пропорционал боғлиқлиги, перфторан билан ЛФДТни комплекс қўллаш оёқ критик ишемияли диабетик товон синдроми бўлган беморларда тизимли яллиғланиш жараёнини камайтиришга ижобий, иммунокомпенет хужайралар ва цитокинлар миқдорига иммунмодуловчи таъсир қилиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жароҳат жараёнининг кечиш фазасини ҳисобга олган ҳолда клиник, иммунологик ва микробиологик жиҳатдан самарали оптимал лазерли фотодинамик терапия усулини

қўлланиши, анъанавий даволаш фонида перфторан билан лазерли фотодинамик терапияни бирга қўллаш усули ишлаб чиқилганлиги, тизимли яллиғланиш синдроми ва оёқ критик ишемияли диабетик товон синдроми бўлган беморларда яра жараёнининг кечиш ва натижалари истиқболини белгилашнинг оптимал шкаласи ишлаб чиқилганлиги оёқнинг ноиложликдан юқори ампутация қилинишини камайтириш билан ногиронликни камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оёқ критик ишемияли диабетик товон синдроми даволаш якунлари истиқболини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Диабетик товон синдроми даволашда лазерли фотодинамик терапияни қўллаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 августдаги 8н-д/107-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома диабетик товон синдромли беморларда яра жараёнини эрта аниқлаб кейинги фазага ўтишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

«Диабетик товон синдроми даволашда оёқ критик ишемиясини коррекциялаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 августдаги 8н-д/107-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома оёқ критик ишемияли диабетик товон синдроми кузатилган беморларда қисқа вақт ичида оёқдаги критик ишемия аломатларини эрта бартараф қилиш ва ўз вақтида коррекциялаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

«Оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромида жароҳат кечиши истиқболини белгилаш шкаласини ишлаб чиқиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 августдаги 8н-д/107-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромида жароҳат кечишини эрта ташҳислаш ва ўз вақтида олдини олиш учун қўлланган комплекс даволаш усули натижаси истиқболини белгилашга хизмат қилган;

оёқ критик ишемияли диабетик товон синдроми даволаш якунлари истиқболини белгилашнинг иммунопатогенетик жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Самарқанд давлат тиббиёт институти биринчи шифохонаси клиник амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги 8н-д/117-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромиликасаллик асоратларни эрта ташҳислаш, оёқнинг ноиложликдан юқори ампутация қилинишини камайтириш, унга боғлиқ бўлган ўлим ҳолатлари камайтириш ва ишлаб чиқилган даволаш чора-тадбирлари натижасида ногиронликни камайтириш, стационарда даволаниш муддатини қисқартириш билан тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 10 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 13 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Оёқлар критик ишемияли диабетик товон синдроми клиник-иммунологик жиҳатларининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда тизимли яллиғланиш синдроми (ТЯРС)ли беморларда ДТС ва оёқларнинг критик ишемияси (ОКИ) ҳақидаги сўнгги йилларда чоп этилган маълумотлар келтирилган, унинг шаклланиш омиллари, ривожланиш қонуниятлари, мазкур патологиянинг клиник, инструментал, микробиологик, иммунологик ва экспериментал омиллари ёритилган. Ундан ташқари, ушбу патологияни даволаш усуллари, даволаш натижалари ва ТЯРСли ОКИ бўлган ДТС асоратларининг олдини олиш ҳақидаги хориж ва мамлакатимизда олиб борилган илмий ишлар таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг **«Оёқ критик ишемияли диабетик товон синдромли беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланганикинчи бобидатадқиқотматериали, белгиланган вазифалар ижросини таъминловчи методологик ёндашув ва усуллар келтирилган.

Тадқиқотда 2009 йилдан 2019 йилга қадар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг йирингли жарроҳлик бўлимида стационар даволанган, ОКИ ва ТЯРС белгилари бўлган ДТСли 412 нафар беморни комплекс текшириш ва даволаш натижалари таҳлил қилинган. Беморлар орасида эркаклар 283 (68,7%) нафарни, аёллар эса 129 (31,3%) нафарни ташкил этган. Беморларнинг ўртача ёши 62,5 ёшни ташкил этган. Беморларнинг аксарияти (39,57%) меҳнат фаолияти ёшида бўлган (45 ёшдан 60 ёшгача).

Диабетик анамнез эндигина аниқлангандан бошлаб, 10 ва ундан ортиқ йилни ташкил этган. Кўпинча беморларда қандли диабетнинг 2-типи қайд этилган (94,5%), уларда асосан қандли диабет касаллигининг ўрта ва оғир даражалари кузатилган бўлиб, беморлар субкомпенсация ва декомпенсация босқичларида бўлган.

Текширувдан ўтказилган 412 нафар беморнинг оёғида қуйидаги патологик ўзгаришлар аниқланган: тўқималарнинг ўчоқли некрози - 34; оёқ бармоқларидаги йирингли-некротик яралар- 67; оёқ панжасининг йирингли-некротик флегмонаси- 83; оёқ панжасидаги бармоқлар гангренаси (қуруқ ва ҳўл) - 124; оёқ панжаси дистал қисмларининг гангренаси (қуруқ ва ҳўл) - 74; оёқ панжаси, товон усти ва болдирга тарқалувчи йирингли флегмоналар -30.95,4% беморларда 1ёки ундан ортиқ йўлдош касалликлар аниқланган.

Барча беморларда қуйидаги жарроҳлик аралашувлари бажарилган: оёқ панжасининг товон ва ташқи юза қисмларидаги, болдирдаги тарқалувчи флегмоналарни очиш; оёқ панжаси ва болдирларни гильотинали атипик ампутация қилиш; бармоқлар ампутацияси; Шопар, Шарпу, Горанжо, Лисфранк усулида оёқ панжаси ампутацияси; некрэктомия; болдирнинг юқори учдан бир қисми, соннинг пастки, ўрта ва юқори қисмидан миопластик ампутациялар.

Стационарда тушганда жарроҳлик босқичида бемор аввал тўлиқ текширувдан ўтказилиб, оқилона анъанавий даволаш олиб борилган ва шикастланган оёқ қисми тозаланган. Жарроҳлик ишловида йирингли-некротик ўчоққа ҳар томонлама кириб бориш таъминланиб, инфекциялар учун қулай шароит яратадиган некротик тўқималар олиб ташланган. Товон усти соҳалардаги чуқур флегмоналар бўлганда барча бириктирувчи тўқималар, фасциялар, қалинлашган перемизиум, инфекцияланган пайлар, ахилл пайгача кесилган. Шунингдек, соғлом тўқималар доирасида оёқ панжа атипик гильотинали ампутациялар бажарилган.

Оёқнинг йирингли-некротик шикастланишини баҳолашда Wagner F.W. (1981) таклиф этган таснифдан фойдаланилган. Беморларда Wagner F.W. бўйича III-IV-V-босқич зарарланишлар қайд этилган.

ОКИ ни баҳолашда Шимолий Америка қон томир жарроҳлар жамияти таклиф этган янги тасниф қўлланилган (Society for Vascular Surgery, SVS), унда оёқнинг аҳволи, катта ампутация хавфи ва реваскуляризациядан кутилаётган фойданинг кўп томонлама таҳлили келтирилган.

Шошилинич жарроҳлик аралашувларни амалга оширишга қуйидагиларсабаб бўлган: бармоқлар ва оёқ панжасидаги ҳўлгангрена; оёқ панжаси флегмонаси; яллиғланиш болдирга ўтган ва бемор ҳаётига хавф солувчи оғир интоксикацияли оёқ панжаси флегмонаси.

Шошилинич операция аралашувларга қуйидагиларсабаб бўлган: адекват дренажланмаган йирингли-некротик яралар; оёқ панжасининг чуқур абсцесслари; узоқ септик метастатик ўчоқлар; янги ҳосил бўлаётган абсцесслар; яхши дренажланмаган йирингли ўчоқлар.

Режали операциялар қуйидагилар: яра ёки трофик ярадаги иккиламчи некрозлар (босқичма-босқич некрэктомия); оёқ панжа суяклари сурункали

остеомиелити ва оёқ панжа юмшоқ тўқималари тери қопламидаги яралар (турли вариантлардаги тиклаш ва пластик операциялар). Флегмоналарни очиш ва некрэктомия умумқабул қилинган стандартларга кўра амалга оширилган.

Биринчи (назорат) гуруҳини 105 нафар ОКИли ДТС бўлган бемор ташкил этган бўлиб, уларда қуйидагиларни ўз ичига олган анъанавий даволаш тадбирлари амалга оширилган: операция аралашуви, антибактериал, инфузион, дезинтоксикацион терапия, микроциркуляцияни яхшиловчи препаратлар, гликемия миқдорини коррекциялаш, шунингдек, йўлдош касаллик белгилари ҳам даволанган. Жароҳат анъанавий усулда даволанган (Офломелид асосидаги малҳам).

Иккинчи гуруҳни 104 нафар бемор ташкил этган бўлиб, уларга юқорида кўрсатилган комплексдаводан ташқари жароҳатни даволашда қўшимча равишда лазерли фотодинамик терапия (ЛФДТ) ўтказилган. Жароҳат ЛФДТ қуйидагича амалга оширилган: жароҳатантисептик эритмалар билан ювилиб, суюқликдан тозалангач, фотосенсибилизатор -максимум сўрилиш, яъни  $\lambda$  max (нм) - 668 нм ли фенотиазинлар (катион азинлар) гуруҳига мансуб метилен кўкининг 0,05% ли эритмаси 5 дақиқага қўйилган. Сўнг жароҳат юзасидаги фотосенсибилизатор ювиб ташлангач, унинг усти 03 модели TSh 64-15302652-002:2010 техник шартларга мос, «NAF» МЧЖ (Ўзбекистон) АЛТ-Восток аппаратида лазер билан нурлантирилган. Нур ўтказгичнинг ён томонидан яра юзасига бўлган масофа 0,5-5,0 см ташкил этиб, беморлар иссиқликдан ноқулайлик сезишмаган. Жароҳат кечиши жараёнининг биринчи фазасида жами нурлатиш вақти 10 дақиқани, иккинчи фазада 5 дақиқани ташкил этган. Жароҳат юзаси катта бўлганда, терминални бутун яра юза бўйлаб аста-секин ҳаракатлантириш орқали жароҳат юзасини полипозицион нурлатиш усулидан фойдаланилган.

Учинчи гуруҳга 101 нафар бемор киритилган бўлиб, уларни анъанавий даволаш комплексига зарарланган оёқ тўқималарининг кислород билан тўйинишини яхшилаш мақсадида узоқ вақт артерия ичига оксигенланган перфторанни (17.01.2014 йилда Б-250-9502414рақам билан рўйхатга олинган) қуйиш учун сон артериясига катетер қўйилган.

Тўртинчи гуруҳга 102 нафар бемор киритилиб, уларга анъанавий даво усули фонидан перфторан ва ЛФДТ ни ўз ичига олган комплекс даволаш усули белгиланган.

Беморларга ташҳис қўйиш ҳамда панжа шикастланиш даражасини аниқлаш мақсадида ташҳисий муолажалар амалга оширилган, умумклиник текширувлар амалга оширилган, маҳаллий ва тарқалган жараён фарқланган.

Лаборатория ташҳиси қуйидагиларни ўз ичига олган: қон ва сийдик таҳлили, оч қоринга қондаги қанд миқдори ва гликемик профилни текшириш, глюкозурия, ацетонурия бор-йўқлигини текшириш, мочевина, креатинин, умумий оксил, билирубин, қон электролитлари миқдорини аниқлаш, гемостазиограмма, қон ва яра ажралмасини бактериологик текшириш.

Бемор стационарга келган илк соатларда амалга оширилган инструментал текширувлар: электрокардиография, икки проекцияда оёқ панжаси рентгенографияси, ультратовушли доплерография ва оёқлар артерияларини

рангли доплерсканирлаш, сегментар артериал босим ва тўпиқ-елка индексини аниқлаш, тўқималардаги кислородга тўйинганлиликни аниқлаш, оёқлардаги қон томирларининг ангиографик текшируви ўтказилган.

Тўқималарнинг кислородга тўйинганлик самарадорлиги ТСН-2 «Radiometer» (Дания) транскутан оксигемометр ёрдамида  $PO_2$ ни аниқлаш орқали баҳоланган. Мослама датчигини кўз билан аниқлаш мумкин бўлган соғлом ва патологик ўзгарган юмшоқ тўқималар орасига ўрнатилган. Беморлар оёқларининг турли соҳаларида аниқланган  $45,5 \pm 2,50$  мм сим. уст. кўрсаткичлари меъерий саналган.

Бемор васоғлом одамлар организми иммун тизими ҳолатини баҳолаш CD-дифференцияланган ҳамда активационантигенлар экспрессияси асосида амалга оширилган. Имунокомпетент хужайраларнинг қуйидаги маркёрлари аниқланган: CD3+-, CD4+-, CD8+-, CD16+-, CD20+-, CD23+-, CD38+-, CD25+, CD95+-лимфоцитлар. CD рецепторлари экспрессияси РФ нинг «Сорбент» МЧЖ нинг LT серияли моноклонал антитаначалари ёрдамида Гариб Ф.Ю ва ҳаммуал. (1995) усулида розетка ҳосил қилиш реакцияси орқали амалга оширилган. Қон зардобида IgM, IgA ва IgG концентрацияси Манчини бўйича (1963) радиал иммунодиффузия усулида аниқланган. Текширилганлар қон зардобидаги цитокинлар ИФА усулида «Цитокин» (РФ) тест тўплами ёрдамида аниқланган.

Барча текширувлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда ЎзР ФА Иммунология ва одам геномикаси институтида ўтказилган.

Регионар микрогемодинамика оёқлар артериясини текширишнинг физикал усуллари, баҳолаш натижалари учта асосий тоифага гуруҳланган: физиологик ёки гемодинамик ўлчовлар, тўқима перфузиясини аниқлаш, анатомик визуализация.

Топик ташҳисни тасдиқлаш учун оёқ қон томирларни ноинвазив визуализация қилиш усуллари қўлланилган: ультратовуштекшируви, магнит-резонанс ангиография, компьютер-томографик ангиография, мультиспирал компьютер-томографик ангиография билан баҳоланган.

Морфологик текширувлар оқ зотсиз каламушларда ўтказилган бўлиб, лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг биологик хавфсизлик ва этик қоидаларига риоя қилинган.

Текширув натижалари анъанавийвариацион статистика усулларида ишланган. Бунинг учун тиббий-биологик тадқиқотлар учун компьютер дастурларидан фойдаланилган. Ўтказилган тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари асосида олиб борилган.

Диссертациянинг «**Оёқ критик ишемияли диабетик товон синдроми бўлган беморларда иммун ва цитокин ҳолатини ўрганиш натижаларини қиёсий баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида ОКИли ДТС бўлган беморларнинг иммун тизими кўрсаткичларини ўрганиш ва баҳолаш натижалари келтирилган.

Юзасида CD3+ (Т-лимфоцитлар) фарқловчи маркёрлар бўлган лимфоцитларнинг нисбий ва мутлоқ миқдорини ўрганиш натижасида назорат кўрсаткичларига қараганда турлича ўзгарганлигини кўрсатган. Агар CD3+-



хужайралар соғломлар кўрсаткичларига қараганда 1,2 баравар ишончли пасайган бўлса, бу хужайраларнинг нисбий миқдоринормативга қараганда 1,1 марта ишончли юқори бўлган (1-жадвал).

CD3+-хужайралар мутлоқ миқдори тўғридан-тўғри лейкоцитлар ва лимфоцитлар миқдorigа боғлиқлиги эътиборга олинса, бу хужайраларнинг мутлоқ миқдори нима сабабдан ошганлиги аёнлашади. CD3+-хужайралар нисбий миқдори уларнинг функционал фаоллигини кўрсатиши эътиборга олинса, бу кўрсаткичнинг асл ҳолатини текширилаётган беморнинг периферик қонидаги нисбий миқдори эътиборга олиб баҳолаш керак. ОКИли ДТС бўлган беморларда Т-иммунодефицит аниқланган.

**1-жадвал.**

**Оёқ критик ишемияли диабетик товон синдроми бўлган беморлар ва соғломларда хужайравий иммунитет қиёсий кўрсаткичлари, M±m**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=30	ОКИлиДТС бўлган беморларда, n=412
Лейкоцитлар, 10 <sup>9</sup> /л	6200±73	12270±70* ↑
Лимфоцитлар, мкл	1953±60	2717±171* ↑
Лимфоцитлар, %	31,51±0,97	22,14±1,40* ↓
CD3+-хужайралар, %	57,64±1,20	47,45±1,29* ↓
CD3+- хужайралар, мкл	1130±23	1289±35* ↑
CD4+- хужайралар, %	31,66±0,80	26,15±2,18* ↓
CD4+- хужайралар, мкл	618±16	710±59* ↑
CD8+- хужайралар, %	23,14±0,68	20,0±1,16* ↓
CD8+- хужайралар, мкл	452±13	543±32* ↑
CD4+/CD8+, бирл.	1,37±0,01	1,31±0,02* ↓
CD38+- хужайралар, %	15,84±0,55	20,44±1,07* ↑
CD38+- хужайралар, мкл	309±11	555±29* ↑

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан кўрсаткичлар ишончилиги белгиси; ↑, ↓ - назорат гуруҳига нисбатан ўзгаришлар йўналиши.

Субпопуляциялар нисбий ва мутлоқ миқдори ўзгаришлари тенденцияси ва йўналиши CD3+-лимфоцитларникидек бўлган, аммо интенсивлик даражаси турлича бўлган. Беморларда CD3+-хужайралар мутлоқ миқдори дефицити соғлом кишилар кўрсаткичига қараганда 1,2 бараварга етган (P<0,05), аммо CD8+-хужайралар дефицити унчалик даражада сезилмаган, балки 1,1 мартага пасайган. Иккала ҳолатда ҳам CD3+-лимфоцитлар каби мутлоқ кўрсаткичлар назорат кўрсаткичларидан юқори бўлган (P<0,05). Иммунорегулятор индекс (CD4+/CD8+) беморларда меъёрга нисбатан ишончли пасайган (P<0,05).

Т-лимфоцитлар ва уларнинг субпопуляцияларига қараганда CD38+-лимфоцитларнинг нисбий миқдори меъерий қийматларга қараганда 1,3

баравар ошган ( $P < 0,05$ ). Бу лимфоцитларнинг мутлоқ кўрсаткичлари таҳлилида ҳам айти шундай кўрсаткичлар олинган бўлиб, бунда соғлом ва беморлар ўртасида тафовут текширилган беморлар фойдасига 1,8 нисбатни ташкил этган ( $P < 0,001$ ). CD38+-лимфоцитлар қариш, диабет ва яллиғланиш жараёнларида иштирок этиши эътиборга олинса, ўрганаётган диабетик оёқли беморлар иммун ҳолатини текшириш учун бу кўрсаткични (CD38+-хужайралар) ОКИли ДТСбўлган катта ёшдаги (қари ва кекса ёшдагилар) беморлар тоифаси учун кўшимча, юқори информатив мезон сифатида қабул қилиш мумкин.

ОКИ ли ДТСбўлган беморларда лимфоцитлар ва гуморал иммунитет В-лимфоцитлар хужайравий тизими кўрсаткичларини соғлом (назорат гуруҳи) кишиларга қиёсан ўрганиш шуни кўрсатдики, CD20+- ва CD23+-хужайраларнинг нисбий ва мутлоқ нисбати беморларда ўрта ҳисобда назорат гуруҳига қараганда 1,2-2,1 баравар юқори бўлган. Текширилган беморлар қон зардобида IgM, IgA ва IgG миқдори қиёсан тадқиқ этилганда ҳам шундай ўзгариш ва йўналиш кузатилган. Энг кўп ўзгаришга IgM учраган, бунда соғлом кишилардан фарқ 2,9 мартани ташкил этган ( $P < 0,001$ ), IgG эса камроқ ўзгаришга учраган, бунда беморларнинг назорат гуруҳидан фарқи 1,1 мартани ташкил этган ( $P < 0,05$ ).

T- и В-лимфоцитлар тизимларининг қиёсий тавсифи шуни кўрсатдики, ДТС ли беморларда бу кўрсаткичлар турли йўналишда ўзгарган, лимфоцитлар, T-лимфоцитлар тизими миқдори пасайиши ва лимфоцитлар В-лимфоцитлар тизими миқдори ортиши қайд этилган. Бу аниқланган учта қонуният борлигини кўрсатган: биринчидан, текширилган беморларда номуносивлик кузатилган, T- ва В-лимфоцитлар тизими кўрсаткичлари ўзаро номуносив; иккинчидан, иммункомпетент хужайралар миқдори номуносивлиги бемор иммун тизимида зўриқиш борлигини кўрсатган; учинчидан, организм иммун тизимидаги битта компонентнинг пасайиши иммунитет бошқа компонентининг ошишини тақозо этган, улар бир бирини ўзаро тўлдирган.


ДТСли беморларда соғлом кишиларга нисбатан эрта фаоллашиш (CD25+-хужайралар) ва хужайраларнинг апоптозга тайёрлиги (CD95+-хужайралар) маркёрлари бўлган лимфоцитлар, табиий киллерларни (CD16+-хужайралар) ўрганиш шуни кўрсатдики, барча хужайралар миқдори беморларда ишончли юқори бўлган. Бу лимфоцитлар фаоллашганини ва иммун тизим патологик жараён туфайли зўриқганини кўрсатган.

Беморларда иккита цитокин аниқланган: ИЛ-17А – яллиғланиш олди цитокини ва ИЛ-10- яллиғланишга қарши цитокин. Соғлом кишилар қон зардобида ИЛ-17А миқдори ўртача  $3,98 \pm 0,51$  пг/мл ни ташкил этганини кўрсатган, беморларда эса бу кўрсаткич 56,0 баравар ошган бўлиб, ўртача  $222,93 \pm 4,74$  пг/мл ни ( $P < 0,001$ ) ташкил этган. ИЛ-10 миқдори текширилган беморларда 3,7 баравар ошишга мойил бўлган-мос равишда ўртача  $65,33 \pm 1,08$  пг/мл ва  $17,60 \pm 1,43$  пг/мл ( $P < 0,001$ ).

Кўриниб турибдики, иккала цитокин кўрсаткичлари ҳам (ИЛ-17А ва ИЛ-10) беморларда меъерий кўрсаткичга қараганда ишончли ортган ( $P < 0,001$ ). Бу

текширилган беморларда инфекцияланган ўчоқда етарли даражадаги патогенлар туфайли яллиғланиш жараёни кучли ривожланганлигини кўрсатган. Таққосланаётган соғлом ва беморлар ўртасидаги фарқ катталиги кўзга ташланган (1-расм).

Ўрганилган иккала цитокин (ИЛ-17А ва ИЛ-10) беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда ишончли юқори бўлган, кўрсатилган кўрсаткичларда ўзгаришлар тенденцияси ва йўналиши бир хил бўлган. Ўзгаришлар жадаллиги бўйича фарқлар ИЛ-17А цитокини яллиғланиш олди меъёрий кўрсаткичига қараганда ўртача 56,0 марта (ТЯРС), ИЛ-10 яллиғланишга қарши цитокини эса ўртача 3,7 марта юқори бўлганда жиддий тус олган. Беморларда яллиғланиш олди цитокини фаоллиги яллиғланишга қарши цитокинга қараганда анча юқори. Беморлар қон зардоби таркибидаги ёрқин ўзгаришлар муносабати билан ИЛ-17А ни аниқлаш катта ташхисий аҳамиятга эга, деб ҳисобланган ва у ТЯРС ривожланган ОКИли ДТС бўлган беморларда асоратлар ривожланишини эрта ташхислашнинг қўшимча тести сифатида тавсия қилинган.



**1-расм. Оёқ критик ишемияли диабетик товон синдроми бўлган беморлар ҳамда соғлом кишиларда ИЛ-17А ва ИЛ-10 ўртасидаги фарқ**

Маълумки, ИЛ-10 иммун жавобнинг бош тартибчиси саналади. У яллиғланиш олди цитокинларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда макрофаглар ва дендрид ҳужайраларнинг антиген намоён этувчи функциясини бартараф этади, В-ҳужайраларга турлича таъсир этади. В-ҳужайраларнинг IgM ишлаб чиқарувчи плазма ҳужайраларига тақсимланишининг кучайишига хизмат қилади. Киллер ҳужайраларнинг юқори даражаси ҳам ИЛ-10 фаоллашуви ҳисобига рўй бериб, бу НК-ҳужайралар цитотоксинлигини оширишга хизмат қилади. ИЛ-17Ага келсак, унинг кескин ортиши бемор аҳволи оғирлашганда кузатилган, бу эса туғма иммунитетда унинг роли юқори эканлигидан далолат беради. ИЛ-10 концентрациясининг юқорилиги ИЛ-17 га боғлиқ [Кетлинский С.А., Симбирцев А.С., 2008].

Стационарга тушишда ОКИли ДТС бўлган беморларда иммун тизими кўрсаткичлари турлича ўзгаришларга эга бўлгани аниқланган. Ундан ташқари, клиник, инструментал, лаборатор (жумладан, бактериологик) маълумотлар ўтказилаётган даволаш чоралари заруратини асослаган. Шу муносабат билан текширилган беморларда анъанавий даволаш усуллари ўтказилишидан аввал

ва кейин иммун тизими кўрсаткичлари ўрганилган. Иммунологик текширувлар даволашдан олдин, 3 кундан сўнг ва 10 кундан сўнг ўтказилган.

